

*Хошимов Санжарбек. Фаргона политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

*Хошимов Санжарбек, преподаватель, кафедры «История Узбекистана и общественных наук» Ферганского политехнического института, г.*

*Фергана, Республика Узбекистан*

*Khoshimov Sanjarbek Lecturer, Department of "History of Uzbekistan and Social Sciences" of Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Republic of Uzbekistan*

**ВАН ЯН МИН ФАЛСАФАСИДА ИНСОН ТАБИАТИ ТАҲЛИЛИ  
АНАЛИЗ ПРИРОДЫ ЧЕЛОВЕКА В ФИЛОСОФИИ ВАН ЯНЬ МИН  
ANALYSIS OF HUMAN NATURE IN THE PHILOSOPHY OF VAN  
YAN MIN**

**Аннотация:** Ушбу мақолада XV-XVI асрларда хитой фалсафий тафаккури ривожига ўз ҳиссасини қўшган Ван Ян Миннинг инсон табиати тўғрисидаги ғоялари ўрин олган. Файласуф турли тарихий босқичларда вужудга келган инсон табиати ҳақидаги таълимотларни таҳлил қилиб, “ҳақиқий юрак” ва “инсон юраги” даражалари ҳақида фикр юритади.

**Калит сўзлар:** инсон табиати, олий тамойил, осмон иродаси, бирламчи заррачалар, “инсон юраги”, “ҳақиқий юрак”.

**Аннотация:** В этой статье идеи Ван Яна Мина о человеческой природе способствовали развитию китайского философского мышления в XV-XVI веках. Философ анализирует учения о человеческой природе, возникшие на разных исторических этапах, и размышляет об уровнях «настоящего сердца» и «человеческого сердца».

**Ключевые слова:** человеческая природа, небесного принципа, воля небесная, первичные частицы, человеческое сердца, естественный сердца.

**Annotation:** In this article, Wang Yang Ming's ideas about human nature contributed to the development of Chinese philosophical thinking in the XV-XVI centuries. The philosopher analyzes the teachings on human nature that have arisen at different historical stages, and reflects on the levels of “real heart” and “human heart”.

**Keywords:** human nature, supreme principle, the will of heaven, primary particles, the human heart, natural heart.

Инсон табиати тўғрисида сўз борар экан, унинг нақадар мураккаб ва ўзгарувчан эканлигини ҳис этамиз. Инсон табиати эзгуликка йўналтирилган, бунёдкорликка ва интилувчанликка монанд. Агар шундай бўлмаганида инсоният ҳозирги кунгача қўлга киритган ютуқларининг бирортасига ҳам эриша олмаган бўларди.

Инсон табиати ҳақидаги қарашлар жаҳон фалсафий тафаккурида, шу жумладан, анъанавий хитой фалсафаси тарихида ҳам жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асосий муаммолардан биридир.

Ўрта аср хитой файласуфи Ван Ян Мин (1472-1529 й) турли тарихий босқичларда вужудга келган инсон табиати ҳақидаги таълимотларни таҳлил қилиб, инсон табиатига хос энг муҳим хусусият бу – эзгулик деб билган. Қадимги хитой файласуфларидан Сюн Цзи инсон табиатида ёвузлик устивор эканлигини таъкидлаган, Ян Сюн эса инсон табиатида эзгулик ёвузлик билан аралашиб кетган деган хулосага келган. Хитой фалсафасидаги бундай ғояларни ислом фалсафасидаги ёмонликнинг олдини олиш, кишиларга ёмонликнинг ҳунук оқибатларини тушунтириш ҳамда кишиларни доимо тўғри йўлда юришга чақириш (масалан: “амри маъруф – наҳйи мункар”) ғоялари билан ўхшаш эканлигини кўришимиз мумкин.

Ван Ян Мин мутафаккирлар Чжан Цай ва ака-ука Ченларнинг инсон табиати ҳақидаги “табиат – бу олий тамойилдир” деган ғояларини қўллаб, уларда олға сурилган фикрларни ривожлантирди ва ўзининг инсон

табиати ҳақидаги янгича таълимотини яратди. У ўзининг “Осмон иродасидан бўлган табиат” ва “бирламчи заррачалардан таркиб топган табиат” ҳақидаги қарашларини ўзаро бирлаштириб, яхлит бир таълимотга айлантирди.

Бу таълимотга кўра, инсон аввало олий тамойилдир ва унинг маънавий олами заррачаларнинг бирлашмасидан иборат. Унда олий тамойил мавжуд бўлгани сабабли, инсонпарварлик, адолат, ўзни тутиш қоидалари, ақл, катталарга тавозели бўлиш, содиқлик ва ишончли бўлиш нима эканлигини чуқур ҳис этади. Унда заррачалар бўлгани боис у гапиради, ҳаракатланади, ўйлайди, бунёд эта олади. Бундан келиб чиқиб, “осмон ва ердан бўлган табиат ҳақида фикр юрита туриб, фақат олий тамойил ҳақида гапириш лозим, заррачалардан бўлган табиат ҳақида фикр юрита туриб, олий тамойил ҳақида ҳам, заррачалар ҳақида ҳам гапириш мақсадга мувофиқ”, деган хулосага келди.

Ван Ян Мин фикрича, инсон аввало Осмон иродасидан бўлган табиатга ҳамда заррачалардан иборат бўлган табиатга эга бўлади. Унинг фикрича, осмон иродасидан бўлган табиат инсон жисму жонида “инсонпарварлик”, “ўзни тутиш қоидалари” ва “ақл” тушунчалари билан боғланган олий тамойилларнинг мужассамланишидир. “Инсонпарварлик, адолат, одоб-ахлоқ қоидалари ва ақл инсондаги табиатни ташкил қилади”, “Табиат – бу олий тамойилнинг ўзидир” деб ҳисоблайди.

Бундай тасаввурларга кўра, олий тамойил муайян бир инсоннинг танасида ўз ифодасини топиб, инсон томонидан қабул қилинган заррачалар билан бирлашади ҳамда заррачалардан иборат бўлган табиат ҳосил бўлади. Заррачалар соф ва нопок бўлгани сабабли, заррачалардан бўлган табиат ҳам яхши ва ёмонга ажралади. Соф заррачаларга эга бўлганлар мутлақ донишмандлик мақомига эга бўлади, нопок заррачаларга эга бўлганлар эса аҳмоқ ва одобсиз бўладилар.

Осмон иродасидан бўлган табиат ва заррачалардан барпо бўлган табиат ҳақидаги тасаввурларга асосланган ҳолда Ван Ян Мин “ҳақиқий юрак” ва “инсон юраги” даражалари ҳақида фикр юритиб, осмоннинг олий тамойиллари ва инсон истаклари орасидаги муносабат ҳақидаги масалаларни кўтаради. У “юрак” табиати, яъни осмон иродасидан бўлган табиат осмоннинг олий тамойилининг ифодаси, шу боис у ёвуз бўлолмайди, ташқи олам билан муомаладан келиб чиқадиган осмоннинг олий тамойилига мувофиқ эзгу ҳис-туйғу ва ҳислатлар “ҳақиқий юрак”га тегишли бўлади, ташқи олам билан муомаладан келиб чиқадиган ва моддий манфаатга интилишлар билан ўраб олинган ёвуз ҳис-туйғу ва ҳислатлар “инсон юраги”га тегишлидир, деб ҳисоблаган. Яъни, инсон доимо эзгулик ва ёвузлик кучлари таъсирида бўлади. Аксариyat ҳолатларда инсон ўз нафсининг ёки ҳирсининг қулига айланиб, ёвузликка кўл уради.

Ван Ян Мин таълимотида “ҳақиқий юрак” ва “инсон юраги” орасидаги чегара инсон фикрлари ва ҳаракатлари, қулоқлар ва кўзларнинг истаклари билан қондирилиши ёки у “инсонпарварлик”, “адолат”, “одоб-ахлоқ қоидалари” ва “ақл” тушунчаларига бўйсунishi орқали аниқланади.

“Инсон юраги” – бу шундай юракки, у очликни ҳис қилса, таом ҳақида ўйлайди, совуқликдан озор чекса, кийим-бош ҳақида ўйлайди. “Ҳақиқий юрак” эса оч қола туриб, ейиш керакми ёки керак эмаслиги ҳақида фикр юритиб, сўнг таом ҳақида ўйлашдир, совуқликдан озор чека туриб, кийимни кийиш керак ёки керак эмаслиги ҳақида фикр юритиш, сўнг кийим ҳақида ўйлашдир, деб таъкидланади.

Ван Ян Мин фикрича, “инсон юраги” фақат “ўз манфаати ёки зарари”ни кўра олади, у ҳис-туйғулар ва истаклар билан боғлиқ ва бинобарин у хавфли, “ҳақиқий юрак” эса “умумий, адолат билан узвий боғлиқ нарсаларни” кўради ва шу сабабли ҳам у сирлидир. Бундан “ҳақиқий юрак” инсонни бошқариши, ғолиблик сари етаклаши зарурдеган

хулоса келиб чиқади. Файласуф ўз фикрлари ифодасида қиёсий таҳлил усулини қўллайди, масалан: “инсон юраги” – денгиз кемаси, “ҳақиқий юрак” эса – бошқарув дастаси рули, мурвати кабидир. Кеманинг йўналиши ва эркин ҳаракатини унинг дастаси бошқаргани сингари, “инсон юраги”ни “ҳақиқий юрак” бошқариши лозим.

“Ҳақиқий юрак” осмон иродасидан бўлган табиатдан ҳосил бўлади, шу боисдан ҳам у эзгудир. “Инсон юраги” бирламчи заррачалардан ҳосил бўлади, шу боис у эзгу ва ёвуз бўлиши мумкин. Эзгу ёки ёвуз “юрак” унинг “ҳақиқий юрак” буйруқларига бўйсунishi ёки бўйсунмаслиги орқали аниқланади. Бу борада Абу Наср Форобий ўз асарларида: “Инсон табиатан фозил ёки фосиқ бўлиб яратилмайди, балки шу ҳислатларга яқинроқ, мойилроқ бўлиши мумкин”, - дея фикр билдирган.

Ван Ян Мин ака-ука Ченларнинг “инсон юраги ва инсон истаклари” ҳақидаги таълимотини танқид қилади. Уни фикрича, “инсоний юрак” ва “инсоний истак” тушунчаларида ноаниқликлар мавжуд, зеро инсон юраги – бу инсон истаги эмас, агар инсон юраги инсон истакларига тўла бўлганида эди, дунёда мисли кўрилмаган тартибсизликлар вужудга келар ва оқибатда бу тартибсизликлар юзага келтирадиган хавф-хатарларни бартараф қилиш мумкин бўлмай қолар эди”.

Ван Ян Мин олий тамойил ва бирламчи заррачалар ҳақидаги фикрдан келиб чиққан ҳолда осмон иродасидан бўлган инсон табиатини ва заррачалардан бўлган инсон табиатини келтириб чиқаради. “Олий тамойилни сақламоқ, инсоний истакларни йўқ қилмоқ” назариясини олға сурган ҳолда осмоннинг олий тамойилини инсоннинг истакларига қарама-карши қўяди. Бундай ғоялардан Ван Ян Мин фалсафасида нафақат конфуцийчилик, балки буддизмнинг ғоялари ҳам ниҳоятда катта ўринга эга бўлганлигини англашимиз мумкин. Унинг таълимотида “Инсонда фақат бир донa юрак мавжуд, агар унда осмоннинг олий тамойили ғолиб бўлса, инсоний истаклар йўқ бўлиб кетади, агар инсон истаклари ғолиб

бўлса, осмоннинг олий тамойили ҳалок бўлади” деган ғоя илгари сурилади.

Янминизмнинг бу каби ғоявий таълимотлари фақатгина ўз ватани ҳудудида чегаралиб қолмасдан, Корея ва Япониядаги фалсафий фикрлар ривожига ҳам ўзининг кучли таъсирини кўрсатади. Айниқса, Японияда “Мейдзи инқилоби”дан олдин етакчи фалсафий оқим сифатида кенг тарқалди.

Хитой мутафаккирларидан Кан Ювей (1858-1927), Тан Ситун (1865-1898), Сун Ятсен (1866-1925), Сюн Шили (1885-1968) ижодида янминизм ғоялари таъсирини учратишимиз мумкин. Ушбу мутафаккирлар янминизм ғояларини Хитой маданиятининг шаклланишида муҳим манбалардан бири деб ҳисоблайдилар.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. *Кобзева А.И.* Синтез традиционных гносеопраксиологических идей в философии Ван Янмина // Общество и государство в Китае. М.: Наука, 1981.
2. *Ван Ян-мин.* Да сюэвэнь / Пер., коммент. А.И. Кобзева // Степанянц М.Т. Восточная философия: Вводный курс. Избранные тексты. М., 1997.
3. *Малявин В.В.* Китай в XVI–XVII веках. Традиция и культура. М., 1995.
4. Санжарбек Султонбекович Хошимов “ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚИРРАЛАРИ” // Academic research in educational sciences. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/van-yan-min-falsafiy-talimotining-manaviyahloiy-va-gnoseologik-irralari>
5. Khoshimov, Sanjarbek Sultanbekovich (2020) "THOUGHTS ABOUT HUMAN NATURE IN CHINESE PHILOSOPHICAL THINKING AND THEIR INTERPRETATION IN THE IDEAS OF WANG YAN MIN," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: Iss. 1, Article 27. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss1/27>